

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ФАКУЛЬТЕТИ

“ДАСТГОҲЛИ РАНГТАСВИР” КАФЕДРАСИ



5150800- Тасвирий санат таълим йўналиши

Дастгоҳли Рангтасвир бўлими 02 -14-гуруҳ талабаси

Бозорова Диляйра Неймат қизининг

“ДУГОНАМ ПОРТРЕТИ” мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: “Дастгоҳли
Рангтасвир” кафедраси
ўқитувчиси

М.А.Тошмуродов

“Химояга тавсия этилсин”

“Дастгоҳли Рангтасвир”

кафедраси мудири

Э.Х.Хайтов

«11» июнь 2018

Ўзбекистон бадиий Академияси

Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти

“Дастгоҳли ранг тасвир” бўлими бакалавр 4-босқич талабаси

Бозорова Диляйра Насмат қизининг

“Дугонам портрети” малакавий битирув ишига

ТАҚРИЗ

Бозорова Диляйранинг “Дугонам портрети” малакавий битирув иши замондоши, курсдоши, ёш рассом қиёфасини акс эттиради. Картина муаллифи портрет жанрига мурожаат қилиш орқали нафақат ўзининг шахсий ҳиссиётларини намоёиш этади, қолаверса, у дўстлик муносабатларига ҳурмат-эҳтиром билдириб, ушбу иши орқали ҳамкасбининг ажойиб образини абадийлаштиради.

Образнинг ўзига хос ечими қандай? Унда рассом нималарга дастлабки эътиборини қаратган-у, қайсиларини яширишга ҳаракат қилган? Албатта, бу саволларнинг жавоби рассом танлаган бадиий символистик услуб орқали намоён бўлади. Масалан, портретланувчи қизнинг узун бўйни, мушукларга хос кўз кесими, қип-қизил юзлари ундаги навқирон гўзалликни янада бўрттириб кўрсатади.

Қаҳрамон устахонада, мольберт қаршисида ўтирибти. Унинг қўлларидаги муйқаламлар ва ёнидаги ёрқин палитра ижодий жараён давом этаётганига ишора қилсада, бизга номаълум сабабларга ўура қизнинг қандай асар устида ишлаётгани ёритилмаган. Тасвирланувчи эғнидаги оддийгина оқ кўйлак унга хос камтарлик, очик кўнгиллик каби хусусиятларнинг рамзий аксидир. Шу билан бирга у хушчақчақ, эҳтиросли қиз эканини унинг поза ва мимикасидан ҳам билиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур малакавий битирув иши деярли камчиликлардан ҳоли ва аъло баҳога тавсия этишга лойиқ деб топилди.



Ўзбекистон Санъатшунослик Институти докторанти

Ядгарова Н. А.

Мазкур малакавий битирув иши Дастгоҳли Рангтасвир кафедрасида бажарилган. Дастгоҳли Рангтасвир кафедрасининг 2018 йил 22.12 даги № 7 - сонли мажлисида ҳамда Тасвирий санъат факултетининг «31» сентябр 2018 йилдаги № 6 - сонли факультет Кенгашида муҳокама этилган ва ҳимояга тавсия этилган.

Такризчи:

Малакавий битирув иши ҳимояси 2018 йил 11- июн соат 9.00 да Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида ўтказилади.

Манзил: Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси 123 уй.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
АСОСИЙ ҚИСМ.....	8
I. БОБ. САНЪАТНИНГ ИНСОНИЯТ ТАРИХИДАГИ ЎРНИ.....	8
1.1. Тасвирий санъат асарларининг бадиий мазмуни.....	8
1.2. Санъат асарларининг инсонга таъсири.....	9
1.3. Композиция тарихи ривожланишга қисқача изоҳ.....	10
1.4. Нафис тасвирий санъатда ранг масалалари	12
II. БОБ. ПОРТРЕТ- ТАСВИРИЙ САНЪАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖАНРИ.....	19
2.1. Ўзбек портретчи рассомлари ижоди	23
2.2. “Дугонам портрети ” рангтасвир асарининг яратилиш тарихи.....	24
2.3. Асарнинг композицион тузилиши, ундаги шакл, ритм, ранг ва колорит масалалари.....	26
ХУЛОСА.....	33
ГЛОССАРИЙ.....	34
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	36
ИЛОВАЛАР.....	38

*Инсон учун тарихдан жудо бўлиш —
ҳаётдан жудо бўлиш демакдир.*

И.А.Каримов

КИРИШ

Мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлида ўз олдида қўйган марраларга етиш, яъни ривожланган демократик давлатлар каторига кириш, халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш ва юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашида аввало, жуда тез ўзгариб бораётган бугунги замон билан ҳамнафас бўлиб, эртага йўлимизда пайдо бўлиши мумкин бўлган турли муаммо ва таҳдидларни бартараф этиш ҳақида доимо ўйлаб яшаш заруратини замоннинг ўзи талаб қилмоқда. Маълумки, инсон ва халқ маънавиятининг узвий таркибий қисмларидан бири тарихий хотирадир. Тарихий хотира бор экан, халқ ўзининг буюк кечмиши, бетакрор маданий мероси, кадрият ва анъаналарини доимо ёдида сақлайди. Хотира аجدодларга юксак ҳурмат ва эҳтиром ифодаси ҳамдир. Инсон хотира билан тирик, кадр билан улуг. Инсон омили — башарият тарихида, жумладан, Ватанимиз тарихида барча моддий ва маданий бойликларнинг бунёдкори, тараққиётнинг етакчи кучи бўлган онгли инсон, халқимизнинг фидокорона меҳнати, унинг беқиёс яратувчилик салоҳияти демакдир¹.

Шавкат Мирамонович Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланган кунидан бошлаб ҳамма соҳада тарихий адолатни тиклаш, аجدодларимизнинг эзгу ишлари, бой мероси, муборак хотирасини улуглаш ва абадийлаштириш, мамлакатимизда инсон манфаатларини олий кадрият даражасига кўтаришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар халқимизнинг

¹КаримовИ. А. Тарихий хотира ва инсон омили — буюк келажагимизнинг гаровидир. — Т. „Ўзбекистон“, 2012, 2-бет.

ижтимоий-сиёсий ҳаётини, маънавий оламини юксалтиришга хизмат килмоқда. Ҳар тамонлама етук, комил инсонни тарбиялашда тарихининг ўрни каттадир. "Маънавиятини тиклаши, тугилиб усган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай бошини баланд кўтариб юриши учун, - дея таъкидлаган эди биринчи Президент И.А.Каримов - албатта тарихий хотира керак. Тарихий хотираси бор инсон иродали инсон. Ким бўлишидан қаътий назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай инсонларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳўшёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди"². Дарҳақиқат, инсон яралибдики – санъат билан ҳаёти ҳамоҳанг бўлиб келган. Инсонни бу заминда пайдо бўлиши бу санъат. Шу билан бирга санъатни ҳам инсон яратади. Шундай инсонлар бўладики, улар кўнглидаги ўйлар тасвир бўлиб, ёки куй, ёки кўшиқ, ёки бир согинч бўлиб оқ қогозга тушади. Тушганда ҳам шунчаки тасвир бўлиб эмас ҳақиқий санъат асари бўлиб дунёга келади. Мустақиллик мамлакат тарихида янги саҳифа очди. Қисқа тарихий давр ичида мамлакатда давлат ва жамият қурилишининг мутлақо янги сиёсий асослари яратилиши муносабати билан биргаликда ижтимоий иқтисодий ва маънавий соҳалар ривожланишининг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Мамлакатимизда мустақилликнинг эълон қилиниши ижодкорларга кенг имкониятлар яратиб берди. Нафақат пойтахтга балки, вилоятларда ҳам яшаб ижод қилаётган санъаткорлар ижоди ҳам кенг қанот ёйди. Аммо санаътшунослар томонидан ҳудудда яшаб ижод қилаётган санъаткорлар ижодини ўрганишга етарли эътибор беришгани йўқ. Холбуки, улар ижодини таҳлил қилиш ижодкорнинг меҳнатига баҳо бериш жуда муҳим ва долзарбдир.

Мавзунинг долзарблиги. Мазкур малакавий битирув ишининг долзарблиги шундаки, рангтасвир усталарининг асарлари ноёбдир. Уларнинг иккинчи нусхаси бўлмайди, шунинг учун ҳам миллионлаб одамлар ҳақиқий тасвирий санъат асарини кўрмагани туфайли уларнинг гўзаллигидан баҳра олмаган бўлиш мумкин. Аммо улар рангтасвир асарларининг бемаъни

²Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент, 1992. -Б 18.

нусхаларини кўп томоша қилганлиги аниқ. Ана шундан кўпгина асарлар ҳақида нотўғри тасаввурлар ҳосил бўлиб қолган. Кишиларнинг қалб кўзи ёшликдан очилмаса, улар картина, портрет, манзара асарларини тушуна олмайди. Санъат фидоийлари ва билимдонларисиз рангтасвир жаҳон маданиятига, ҳар бир халқнинг маданиятига нечоғлик ҳисса қўшганлигини билмайди.

МБИ нинг мақсади ва вазифалари; Ушбу битирув малакавий ишининг асосий мақсади замонавий бадиий жараёнда дастгоҳли рангтасвирда реалистик рангтасвир санъатининг тутган ўрнини очиб бериш. Дастгоҳли рангтасвир санъати усталари ижодларидан фойдаланган, ўрганган ҳолда асарлар яратиш асосий мақсаддир. Ушбу санъат ривож ва муаммолари, ютуқ ва камчиликларини ўрганиб, хулоса чиқариш. Ёш дастгоҳли рангтасвир санъати рассомлари ижодидаги портретнинг ўзига хослик ва «янгича талқин» анъаналарининг уйғунлашуви кабиларни кўриб чиқиш. Вазифаси – Мустақилликкача ва мустақиллик йилларида рассомлар ижодининг шаклланиш жараёнида асосий тенденцияларни олиб чиқиш;

МБИ объекти: Мазкур малакавий битирув иши объекти деб, ўқув ижодий устахона олинди.

Манбалар тахлили; МБИ ни ёритишда дастгоҳли рангтасвир санъати устида изланиш олиб борилар экан, албатта ХХІ аср Ўзбекистон тасвирий санъатидаги турли назарий масалалар ҳақидаги илмий адабиётлар кўриб чиқилди. Ўзбекистон дастгоҳли тасвирий санъати аввалги тарихий ривожланишнинг мантикий боскичидир.

Ўзбекистон санъати тарихи боскичларини ёритувчи умум адабиётлардан «Искусство Советского Узбекистана» (М.,1976) 1917-1972 йиллар Ўзбекистон тасвирий ва Амалий санъати ушбу бир канча санъатшунос олимлар томонидан ёзилган адабиётда қарийиб ярим асрни ўз ичига олган давр санъатидан маълумотлар берилган. Давр рассомларининг ижоди, кўргазмаларда қатнашган асарлари тахлили билан берилган. Асар кенг катта даврни ўз ичига олганлиги сабаб, биз истаган мавзуга эътибор кам қаратилган.

Малакавий битирув ишини ёритишда дастгоҳли рангтасвир санъати рассомлари ижоди билан таништирувчи мустақиллик даврида нашр қилинган бир неча каталоглардан кенг фойдаланилди.

Шу билан бирга Ўзбекистон дастгоҳли рангтасвир санъати ижодкорларининг ютуқ ва муаммоларини очиқ берувчи «Санъат» журналичан кенг фойдаланилди. Бу каби журналларда мустақилликкача ва мустақилликдан кейинги давр тасвирий санъатининг ютуқлари Н.Р.Ахмедова, А.Ҳакимов, Саида Илҳомова ва Г.Бабаджанова каби таниқли санъатшунослар томонидан ёзилган маколаларни кўриш мумкин.

МБИ иш структураси: Малакавий битирув иши 2 боб, 7 бўлим, хулоса қисми, голласарий, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

АСОСИЙ ҚИСМ

I. БОБ. САНЪАТНИНГ ИНСОНИЯТ ТАРИХИДАГИ ЎРНИ

1.1. Тасвирий санъат асарларининг бадиий мазмуни.

Ёқимли ҳаво, ҳаётбахш сув, ноз неъмат манбаи бўлган табиат бойлиги инсон камолоти учун нечоғлик зарур бўлса, сеҳрли мусиқа, жозибали кўшиқ, умуман гўзал санъат дурдоналари, тасвирий санъат дурдоналари ҳам маънавий камолот учун шунчалик зарурдир. Ҳар бир инсон қалбига гўзаллик туйғуси сингдирилган бўлади. Ҳар бир кишига маълум қобилият ато этилади.

Инсон руҳияти болаликдан зарурий маънавий озукани олмаса, у бир умрга мажруҳ бўлиб қолади. Шу сабабдан ҳам бизда кўчаларга осиладиган лавҳаларни ёзадиганларни рангтасвирчилар, деб атайдилар. Портретларни эса фотографиядан чизилади, деб ўйлашади. Бу гумроҳликнинг ўзи эмасми?... Инсондан чексиз фидойилик, қурбонлик талаб қилувчи санъат илоҳиётини ҳақорат қилиш эмасми? Агар одамларга тушунтириб борилмаса, улар инсоннинг ҳақиқий портрети натурадан ойлаб ва ҳатто йиллаб чизилишини, унда нафакат бир инсонинг, балки бутун бир даврнинг воқелиги акс этишини қандай манбалардан билиб олади.

Тасвирий санъат ҳам худди мусиқа ва адабиёт каби маънавий озуқа беради, уларга хос хусусиятларини ўзида жамлайди. Рассом ўз асарига ўзининг ҳистуйгулари, дунёкараши кабиларни сингдириб юборади. Унда қалби, виждони, орзу – умидларини акс эттиради. Рассом асарининг теранлиги унинг ички ҳиссиётлари, онги ва иқтидори теранлиги билан ўлчанади. Зеро, санъаткорлар кенг маънодаги гўзаллик элчилари дейилиши бежиз эмас.

Кишиларни санъат билан шугулланишга мажбур қиладиган ҳолатни англаш учун унинг илдизига назар солиш зарур. Шунда маълум бўладики, ҳар қандай бадиий идрок асосини инсоннинг ҳаётга муҳаббати ташкил этади. Ижодкорларни уларнинг кишиларга ёки табиатга алоҳида эътибори бошқалардан алоҳида ажратиб туради.

Шунинг учун шоир: «агар инсон зотини бунчалик каттик севмасам, санъатни ҳам бунчалик севмаган бўлардим», - дейди. Дарҳақиқат, инсоннинг дунёга келиши – буюк кашфиёт эди. Бу кашфиёт дунё тургунча кишиларни хайратга солаверади. Шекспир ҳам хайратини яширолмай, инсонни Яратгувчига саловатлар айтган эди.

1.2. Санъат асарларининг инсонга таъсири.

Инсон қиёфаси ҳаёти мазмуни бўлиб қолган ушбу сатрлар муаллифи учун инсоннинг гўзаллигидан доимий хайратланиш одат тусига кириб қолди. Мана шунинг учун ҳам мен инсонни доимо кузатаман, фақат унинг ҳақида ўйлайман.

Ҳар бир инсон бетакрор хилқатдир. Кишилар бир-биридан хатти-ҳаракати, акли ва айниқса, қиёфаси билан ажралиб туради. Дарҳақиқат, ҳар бир инсонни ўзига хос ифорга эга гулга қиёслаш мумкин. Инсон қиёфасини ўрганаётган ҳар бир киши учун у баҳри уммондан бир гавҳарни излаш билан баробардир. Шунинг учун ўзбекларда: одамнинг юзи иссиқ, деган нақл бор. Инсон нафақат юзи, балки акли билан ҳам гўзалдир. У ҳар бир ишни ўйлаб, ақл билан бажаради.

Асрлар давомида инсон ўз қиёфасини сақлаб қолиш учун интилиб келди. Кунлардан бир куни йўқликка юз тутиш ҳисси унда кўрқувни пайдо қилди, у ўлимнинг бузгунчилик кучига қарши бош кўтарди ва пластик санъатни кашф қилди. Бу инсоннинг қисқа умрига нисбатан ажойиб жавоб бўлди.

Пушкин, Толстой, Бальзак, Бетховен каби даҳолар портрети чизиб қолдирилгани нақадар улуг иш бўлган. Инб Сино, Навоий, Улугбек, Беруний, Бобур каби ўзбек халқининг улуг фарзандларининг ҳам ҳаётлик пайтида ниқоби ёки портрети чизиб қолдирилганида эди...

Диплом иши химояларидаги картиналарда кўпинча примитивлик, ҳаракат ва имо-ишораларнинг шартли килиб олинганлиги кўзга ташланади. Одам ҳаракати "умумлаштириб" олинган. Аниқ ҳаракат, ҳолатга доир имо-ишоралар кўрсатилмаган. Бунга сабаб, рассомнинг кузатувчан эмаслигидир. Кўп фигурали мураккаб композицияга ўтишдан аввал айнан мана шу

кузатувчанликни кучайтириш ва ўстириш лозим. Хамма вақт ва ҳар ерда ўз кузатувларини ҳамда этюдларни чизиш керак. Мен ҳам малакавий ишимда ана шундай ҳолатларга катта аҳамият қаратдим.

1.3.Композиция тарихи ривожланишга қисқача изох.

Композитция (лотинча composition – тузиш, қуриш маъносида) – этюд ёки сурат қурилиши, қисмларнинг мувофиқлиги. Натурани нуқтасини топиш, ёруғлик, шакл ўлчамларни аниқлаш, композицион марказни пайдо қилиш ва унга асарнинг иккинчи даражали қисмларини бўйсиндиришдир. Картина яратишда танлаш сюжет устида ишлаш асар ўлчамини топиш, тасвирдаги шахсларни ички кечинмалари, бир-бирига бўлган муносабатлари, ҳолатлари, ҳаракатлари, маънодорлиги оҳангдорликни қўллаш – булар ҳаммаси суратни композицион кўрнишнинг асосий қисмлари бўлиб, рассом фикрини мақсадли бажарилишига хизмат қилади. Бундай композицияда ҳамма нарса ҳисобга олинади: жисмлар миқдори ва уларнинг вазни, оҳанги, перспектива, уфқ чизиги ва тасвирга кўзнинг қараш нуқтаси, суратдаги бўёқ рангларнинг бир-бирига мос келиши, уларнинг қараш йўналиши, жисмларнинг перспектив қисқариши, ёруғ соянинг тақсимланиши, ҳолати ва бошқалар.³

Композиция ва уни ўрни сюжетли рангтасвир маиший, тарихий, урушга оид, афсонавий, дастгоҳли рангтасвирнинг энг муҳим ва кенг тарқалган турларидан биридир. Бу жанрда яратилган суратлар одамларнинг ҳаёти, уларнинг севинч ва қайгулари, интилиш ва муваффақиятлари ҳақида ҳикоя қилади. Ўтмиш замондаги одамларнинг ишларини мушоҳада қилишга ёрдам беради. Сюжетни рангтасвир рассомлари ўз мавзуларини кўпинча теваарак атрофдаги ҳаётдан оладилар. Бундай рангтасвир маиший ёки жанрли рангтасвирда талай натижаларга эришадилар. Ҳозирги вақтда жанрли рангтасвир замонавий инсон ҳаётида гоят катта аҳамият касб этади. У бизни ҳаяжонга соладиган ҳаётини лавҳаларни акс этириб, ўзига хос “ҳаёт қўлланмаси”

³ Абдирасилов С, Толипов Н, Дастгоҳли рангтасвир “Иқтисод-молия” 2008 й.

бўлиб ҳисобланади; воқеликни англашга ва унинг турли кўринишларга ўз муносабатини аниқлашга ёрдам беради.

Гоявий фикр жанрли суърат композициясини белгилайди. Суъратнинг теран фикрдан маҳрум ҳар қандай энг малакали тузилган тарихи ҳеч қачон бадиий асарга айлана олмайди. Композиция устида олиб борилган барча ишлар гоявий фикрни бойитиш, ҳар тарафлама пухталаш, ва амалга ошириш жараёни ҳисобланади. Композицион ишида расмий вазифалардан келиб чиқиш, суъратни қандайдир ҳодсавий чизмалар асосига қуриш одам гавдасини кўндалингличига, доирасимон, учбурчак ва бошқа шаклларда жойлаштириш мумкин эмас. Ҳали завқни жўштирадиган мавзу вақт эрта. Мавзу рассом ўз асарида ифода этишни ўйлаган гоялар, туйғу ва кечинмалардан иборат. Мавзу ҳаётини воқеаларнинг муайян доирасидан олинган теран билим, тажрибадан тугилмоғи даркор. “Долзарблик” важдан уни сунъий равишда танлаш мумкин эмас. Агар рассом одамларга бирон бир ҳодиса тўғрисида янги, муҳим ва аҳамиятли гап айтишга муҳтожлик сезмаса, агар у мавзуга меҳр билан қўл урмаса, у бадиий асар ярата олмайди.

Композициядаги “гоя” ва “мазмун” тушунчаси гоҳо бир бирига ўхшатиладики, бу унчалик тўғри эмас. Кўргазмалардаги барча суъратларнинг мавзулари бор, бироқ гояни эса барчасида ҳам топиши амри маҳол. Кўпгина суъратларда рассом ҳикоя қилаётган нарсани осонгина илғаб олинади, аммо ҳар доим ҳам бу билан нима демокчи бўлаётганини тушуниш кийин. Маъвзу топилиб рассом ишга киришиб кетгач, тарихий, ҳужжатли, портрет ёки пейзажли ашёларни ўрганиш бўйича машаққатли меҳнат бошланади. Бундай ашёларни чуқур ўрганиш натижасида ижодий тасаввурда суърат сюжети тугилади.

Рангтасвирдаги гоя чизиқлар, шакллар ёки бўёқларнинг мавҳум бирикмаларида эмас. Агар суъратда қаҳрамон хулқи, улар ҳолати, гавда ва қўл ҳаракатлари тўғри талқин этилса таъсир жонли чиқади ва мазмундор бадиий образга айланади. Сюжетнинг топилиши ҳар бир воқеа асарнинг зарурий асоси ҳисобланади. Сюжет иштирок этувчи шахсларнинг миқдорини, жойлашувини,

киёфа ҳоказоларни белигилаб беради. Биргина маъвзу турли сюжетларда ифода этилган бўлиши мумкин. Масалан: урушга қарши маъвзуда, гарчи сувратлар сюжети турли тутуман бўлса ҳам, жуда кўп ажаойиб асарлар яратилган. Ҳар бир рассом ҳаяжонга солувчи гоёни иложи борица кучлироқ ифода этадиган сюжет қидиради. Ўйлаб топилган сюжет маъвзусинини теранроқ ва тўлароқ очишга имкон берувчи сюжетини рассом дарҳол топа олмайди. Энг ёрқин ва маънодор сюжет топилгунча жуда кўпалб дастлабки қораламалар бажаришга тўғри келади. Сюжет аниқлигидан бошлаб композиция чизгилари устида машаккатли ишлар бошланади. Дастлабки чизгилари устида машаккатли ишлар бошланди. Композицион асосий талаблари – яхлитлик, симметрия ва ритм. Тасодифан теришиб қолган буюмларни натюрморт деб бўлмайди. Натюрморт композициянинг маъноли ва таъсирчан чиқиши табиий боғланишда қўйилиши керак.

1.4. Нафис тасвирий санъатда ранг масалалари.

Биз ҳаётда атроф-муҳитни кузатар эканмиз борлиқни ранг орқали тасаввур қиламиз, кўрамиз. қандайдир буюм, шаклларнинг ранги доимий хотирамизда сақланиб қолади. Яъни, кўкатлар — яшил, осмон —кўк ранг, қор — оқ, олов —қизил каби рангларда. Буюмлар ранги шароитга ёруғлик кучига, ёритилиш рангига ҳам боғлиқдир. Буюм ўзи турган муҳитда атрофга ўз таъсирини ўтказиб туриши ва унинг атрофидаги рангли буюм унга ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Ҳар доим буюмлар бир-бирига таъсир қилиши мумкин. Буюмнинг ранги унинг турган ранг фонига қараб ўзгариши мумкин. Масалан: кулранг буюм қизил фонда —яшил-кўк рангда, яшил фонда —қизгиш рангда, сариқ фонда— мовий рангда кўринади. Думалоқ қилиб қирқилган қизил рангдаги қогозни кулранг қогоз устига қўйсак, кулранг фон яшилсимон бўлиб кўринади. Агар қизил рангдаги қогоз ўрнига яшил қогоз бўлакчасини қўйсак, кулранг фон қизгиш рангда кўриниши мумкин. Ҳар кўринишдаги вазиятда контраст ранглар пайдо бўлганлигини кўрамиз. Контраст ранглар ёнма —ён жойлашса ранг кучини янада оширади. Булар, қизил — яшил, зарғалдоқ ранг—

нилоби ранг, сариқ— кўк, яшил —сариқ —бинафша ранг ва бошқалардир. Буюм ранги кузатувчидан узоқ — яқинлигига ҳам боғлиқ, (ҳавоий перспектива). Оқ ранг узоқлашса хиралашади (кораяди), қора, тўқ ранг — оқариб (кулранг тус) кўриниши мумкин. Буюм ранги, туси, равшанлиги ва тўйгинлигига қараб ҳар хил ўзгаради. Бу ўзгариш ҳам шартлидир. Ёш рассомлар бу ўзгаришларни сезмайдилар. Аксинча буюмнинг бўёқ рангини кўрадилар. Электр чироги нурида ёритилган оқ коғоз рангини табиий ёругликдагидай оқ дейдилар. Афсуски, унинг сарғиш рангда эканлигини сезмайдилар. Кечки қуёш нурида эса зарғалдоқ рангдадир. Яшил дарахт узоқлашган сари совуқ — мовийсимон оч рангда бўлиши мумкин. Реалистик тасвирий санъатда рангларни бир —бирига нисбатан шартли аниқлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Шу ҳолдагина рассом буюмни ҳаққоний тасвирлаши мумкин. Малакали рангтасвирчи — рассом табиатдаги ранглар ёруглик нурида ўзгаришини яхши сезиши мумкин. Баъзи картиналарга қарасак ой ёругида акс эттирилган манзарадаги ранглар оч яшил — кўклигини, кечки қуёш нурида ва сунъий ёругликдаги манзаралар эса сариқ — зарғалдоқ ёки қизғиш колоритдагина кўрамиз. Булар ҳаммаси рассом томонидан табиатда ранглар ўзгаришини объектив акс эттиришидир. Куинжи, Поленов, Репин картиналарида рангларни объектив ўзгариш қонунлари асосида яратилганлиги маълум. Рангтасвирда ранг колоритини яратиш катта аҳамиятга эга.

РАНГЛАР МУНОСАБАТИ ВА КОЛОРИТ: Буюм шакли ҳажмини, материалини, фазода жойланишини, юзасини ёруглик ва соя орқали, унинг бир —биридан фаркланувчи туси ва уларнинг ранги, рангларининг бир —биридан фарқ қилиниши туфайли идрок қиламиз. Рангтасвирда буюмни рангда шакл беришда, унинг табиат муҳитдаги ранглар муносабатида акс эттириш катта аҳамиятга эга. Томошабин идрок қилиши, умуман рангларнинг бир —бирига муносабатига таянади. Рангтасвир ишлашда ёруглик кучи нисбатидан ташқари, рангнинг ёрқинлик кучи ва ранглар мутаносиблигини кўрсата билиш керак. Шу билан бирга рангни тўйгинлик нисбати, ранг кучи нисбати, ранг туси ва тури тўғрилигидан муҳимроқдир. Битта буюмлар тўплами (постановка) ни

ишлаётган кўп рассомлар тасвирий ишида совуқ ранглар ёки иссиқ ранглар жилосида, шунингдек ёругрок, колоритда ва қорамтир колоритда бўлиши мумкин. Бир гуруҳ буюмлар тасвири бир неча рассомлар ишида ранглар ёркинлиги, ранг ва ранг тўйгинлиги ҳар хил кўринишда акс эттирилган ҳам бўлиши мумкин. Аммо ҳамма тасвирий ишда буюмлар ранги ва ёркинлик кучи тўғри берилиши, ҳаққоний тасвирланиши лозим бўлади. Қандай бўёқлар ранг жилосини олмайлик, у равшанрокми ёки тўқрок (тўйинган)ми ранглар фарқидаги уч хусусият ёркинлик, ранг, тўйгунликка амал қилиш шартдир. Акс ҳолда нафис тасвирий санъат ҳаққоний таассурот қолдирмайди. Буюм рангининг тўйгинлиги, туси ва ҳар хил ёркинлиги орасидаги ўзаро боқлиқлиги шу буюмнинг ранглар нисбати дейилади. Нафис тасвирий санъатда ёруг — соя нисбатини акс эттириш, ранг нисбатини акс эттиришдан асло ажратилмайди. Улар биргаликда ҳал этилади. Унинг учун буюм шаклини рангтасвирда ранг тусини тўғри бериш рангни уч асосий хусусиятига боглиқ. Реалистик нафис тасвирий санъатда ранг ва ёруг — соя воситалари буюм шаклини тасвирлашда ранг нисбати, ранг туси асосий рол ўйнайди. Қачонки, буюм шаклининг ёруглик ва ранг кучи тўғри топилса буюм шакли бунёд қилинади. Рангтасвирчи рассомнинг маҳорати буюм шакли рангини тўғридан — тўғри кўчиришда эмас, балки ранг танлашда улар нисбатини тўғри топа билишдадир. Буюмни рангда тасвирлашда унинг колоритини ва рангини тўғри танлаб олиш тасвирлашнинг муҳим шартидир. Рангтасвирни маъноли талқин қилиш учун натурани кузатиш чоғида фақат тусли эмас, балки рангли фарқларини ҳам қандай идрок этилаётган бўлса, шунда тасвирланиши зарур. Ранг муносабатлари ҳолати буюм — шакл ва муҳитнинг ўзаро алоқасини акс эттиради, шунинг учун тасвирда берилаётган тус ва ранг муносабатларини яхлитлиги тўлақонли ранг нисбатлари ва колоритини тўғри топишга имкон беради. Натуранинг ранг муносабатларини тўғри бериш учун биринчидан, ранг хилини, жиҳатини (кўк, сарик, яшил ва ҳ.к), иккинчидан, бу рангларнинг ёркинлиги (туси) бўйича муносабатларини (фарқини), учинчидан, шаклнинг (ва унинг юзасининг) бошқаларга нисбатан рангга тўйинганлигини белгилаш лозим. Иш жараёнида

хар бир рангнинг ёруглиги, туси, нимтуси ва бошқалар унинг ўзига эмас, балки бошқаларга боглиқ эканлигини ёдда тутиш зарур. Рассомни фақат ранг фарқи, ранг муносабатлари (нисбатлари) қизиқтириши керак. Шунинг учун рангтасвир — бу натура шаклларининг рангини доимий қиесий таҳлил қилиш жараёнидир. Портретда кўзга кўринаётган рангларни фақат ранг ёрқинлиги жиҳати билан эмас, балки ранг ёруглиқ қуввати, ранг тўйинганлиги билан ҳам сақлаб қолиш муҳим ҳисобланади. Рангтасвирнинг ҳаққонийлиги ранг жиҳатларининг аниқлигига эмас, балки ранг ёрқинлиги ва рангнинг кучи бўйича муносабатларни тўғри берилишига боглиқ. Ранг туси ва ранг кучи бўйича нотўғри танланган ранг муносабатлари маконий тасвирда чалкашликка олиб келади. Бу айниқса тасвирланаётган нарсанинг моддий хусусиятларини тасвирлашга салбий таъсир қилади. Ранг муносабатлари усули билан асар яратиш жараёнини мусиқа оҳангини тузилиши билан таққослаш мумкин. Унда ҳам ягона товуш кўп нарсани ифодалай олмайди, аммо бошқа товушлар билан уйғунлашиб тегишли мусиқа оҳангини ҳосил қилади. Товушларнинг ўзаро алоқаси бузилса, мусиқа ҳам бузилади. Рангтасвир ҳақида ҳам худди шунини айтиш мумкин. Ранг ва тус муносабатларини табиатда қандай бўлса, шундай тарзда бериш шарт эмас. Аммо энг ёругдан, энг қоронгу ранглар жилоси сари нисбий муносабатга амал қилиш зарур. Акс ҳолда рангтасвир яхлит тасаввур уйғотмайди. Портретда натура муносабатларига номутаносиб олинган ранг диссонанс (ранглар уйғунлигида пала —партиш) ҳиссини уйғотади.

Бир сўз билан айтганда, инсон ҳаёти доимо ранг билан ҳамоҳанг бўлган. Ранг қўллаш йўли билан иссиқ ёки совуқ, активлик ёки пассивлик, яқин ёки узоқ, баландлик — пастлик, хўл ёки қуруқлик, огир-енгил, тургунлик (статик) ёки ҳаракатчанлик (динамик), жўшқинлик ёки хотиржамлик каби таъсир (эмоция) ҳолатларини бера оладиган муҳит яратиш мумкин. Ранглар асосан икки гуруҳга ажратилади. Биринчи гуруҳга очдан тўқгача бўлган — оқ, қора ва барча кулранг (нейтрал) ранглар киради. Иккинчи гуруҳга барча кизил, тўқ сарик, сарик, яшил, мовий кўк, бинафша, қирмизи ранглар киради. Биринчи

гурух ранглари ахроматик, иккинчи гурух хроматик деб юритилади. Шунингдек, ранглар "совук" ва "илик" мижозий гурухларга бўлинади.

Масалан, кизил ранг илик ранглар, бинафшаранг совук ранглар гурухига киради. Ранглар ўзгариши билан илиқлик ҳам камайиб ёки кўпайиб боради. Масалан, тўқ сарик ранг малина рангга нисбатан, совук ранглар гурухига кирувчи бинафшаранг кўк рангга нисбатан илиқроқ тус олади. Киши кўз ўнгида узоқлик ва яқинлик хиссиётини ҳам ранглар оркали белгилаш мумкин. Масалан, кизил, тўқ сарик, сарик каби илик мижозли рангларга бўялган юза бизга совук мижозга кирувчи яшил, кўк, бинафшарангларга бўялган юзага нисбатан яқин кўринади.

Ранглар мижози (илик, совук) киши табиатига ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, илик ранглар (кизил, тўқ сарик, олов ва қуёш ранглари) киши томонидан кўтаринки рух билан идрок қилинади. Совук ранглар (яшил, кўк) кишида кенглик, хотиржамлик ҳолати таассуротини тугдиради. Рангнинг бошқа ранглар билан ёнма-ён туриши туфайли юзага келадиган ранг ўзгаришлари фанда- ранг контрасти деб юритилади. Контрастнинг икки хили кўзга яққол ташланади: ёрқин контраст ва хроматик контраст. Ёрқин контрастнинг қоидалари қуйидагича характерланади: ёруғ заминда (фонда) тўқ ранг янада тўқлашди, тўқ заминда оч ранг янада ёришади. Қўшни хроматик ранглар таъсирида ранг тусининг ёки ранг тўйинганлигининг ўзгаришига хроматик контраст дейилади. Хроматик контрастда кулранг турли хроматик ранг заминларда ишланса, у турлича тус олади.

Масалан, кизил заминда кулранг яшилга монанд тус олади, сарик заминда эса кулранг кўкимтир тусга киради, яшил заминда кўкимтир ранг пушти ранг тусини олади. Рангларнинг фактуравийлик даражаси, салоҳияти, равшанлиги ва ажралиб кўриниши билан рангларнинг фазовий хусусияти аниқланади. Рангларнинг фазовийлиги, уларнинг олдинга чиқиши ва узоқлашуви, шакл ва замин, рангларнинг ажратувчи ва бирлаштирувчи таъсири, рангли каторлар, ранглар гурухлари ва тоналлик каби услубий хусусиятларга таянади.

Рангларнинг инсонга таъсири мураккаб ва турли сабаблар билан аниқланади. Инсон рангларни идрок қилади. Ранглар буюм хусусияти сифатида мавжуддир.

Рангларнинг инсон организмига таъсирини асосан икки гуруҳга ажратиш мумкин: узун тўлқинлар билан характерланган қизил, тўқ сарик, сарик ранглар киши ҳаётӣй жараёнини жадаллаштиришга таъсир кўрсатади. Шунинг учун бундай ранглар фаол ранглар қаторига киради. Шу ўринда бир мисол келтирамиз. Қисқа тўлқинлар билан характерланувчи мовий, кўк бинафшаранглар киши ҳаётӣй жараёнини заифлаштиради. Шунинг учун улар пассив ранглар дейилади. Рангларнинг киши организмига таъсирини Лейпсиг Психология институтида ўрганган олим Стефанеску Гонанга тадқиқотларида ҳам юқорида айтилган фикрлар тасдиқланган. Илик мижозий ранглар таъсирида киши томир уриши кўпайган ва кучайгани, яшил, мовий, кўк ва бинафша каби совуқ мижозий ранглар таъсирида киши томир уриши заифлашгани ва камайгани кузатилган.

Рассом ўз кузатишлари натижасида юзага келган дастлабки кўшимча қораламалар асосида келажакдаги асар этюдини яратади. Бунда тадрижий ибтидо муҳим ўрин эгаллайди: рассом ҳаётни аниқ бир ҳолатда кузата туриб, пластик (нафис) гўзалликни кўра билиши шарт. Кейин материал йиғишга тушади, мазкур асар билан бевосита боглиқ кузатишлар олиб боради, мос қиёфа ва шароитни қидиради, картинани яратиш учун зарур бўлган айни вақт ва ҳолатни пойлайди.

Масалан, агар воқеа бинода кечса, унга мос келадиган хона, агар кўчада кечса, у ерни топиш ва тўғридан тўғри натурадан чизиши лозим. Ундан шунчаки нусха олиш эмас, унга вақтнинг маълум бир палласини, етарлича ёруғликни бериш керак. Келажакда рассом асарига томошабин қандай муносабатда бўлиши, асар қандай ҳиссиёт ва фикр тугдира олиши юқоридаги мезонларга бевосита боглиқ. Хар бир этюдда рассом, агар инсон қиёфаси бўлса, керакли ҳаракатни бериб, агар натюрморт ёки манзара жанрида бўлса, маълум шакл ва ҳолатни берганча, картина учун зарур бўлган ечимга эришиши мумкин.

Рассом бўлгуси асар учун керакли тасаввурга ва зарурий материалларга эга бўлгандан кейингина картина устида ишлай бошлайди. Бунда у ўзи учун мухим бўлган умумий режани ва нималарга эътиборини қаратиши лозим эканлигини белгилаб олади. Асардаги унсурлар тасодифан жойлаштирилмайди, улар рассом гоёсига мувофик келиши, композитсия деб юритиладиган гоёвий мулохазани таъкидлаб туриши лозим. Бирор-бир ортикча детал ўз – ўзича яхши жойлаштирилган бўлса-да, агар у асар мазмунини чуқурлаштиришга хизмат қилмаса, асарга салбий таъсир кўрсатади

Хатто, картина учун танланган мато ўлчами, ва композитсиянинг бўйламасига ёки қия асосда жойлаштирилиши ҳам беҳуда танланмайди. Хар бир картина нафақат аниқ ўлчовга, композицияга, балки колоритга ҳам эга. Колорит хамиша композицияга бўйсунishi ҳамда картина мазмунини очиб беришга ёрдамлашиши лозим.

II. БОБ. ПОРТРЕТ ТАСВИРИЙ САНЪАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖАНРИ.

Жанр деганда, одатда, бадиий асарнинг маълум тури тушунилади. Нафис тасвирий санъатда турли — туман жанрлар мавжуд бўлиб, уларнинг бир — биридан мазмун ёки тасвирлаш услубида кўринади. Тасвирий санъатнинг асосий жанрлари қуйидагилардан иборат: тарихий, жанг манзараларини тасвирлайдиган, маиший, пейзаж, портрет ва ҳакозолар. Тасвирий санъатнинг барча турлари ва жанрлари қайсидир маънода инсон ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Санъатда ҳар доим инсон асосий ўринда бўлиб, унинг ташқи кўриниши, мураккаб ички дунёси, характери, рухияти, ҳиссиёти ва шунингдек ҳар хил томонлари ҳақида ҳикоя қилинади. Нафис тасвирий санъатда, ҳайкалтарош лик ва графика жанрларида инсон чехраси — портрет тасвири асосий ўрин эгаллайди. Портрет — инсон образини яратиш — тасвирий санъатда энг мураккаб жанр ҳисобланади. Тасвирий санъат тарихига назар ташласак шу нарса маълум бўладики, нафис тасвирий санъат турларидан бўлган миниатюраларда ҳам рассомлар инсон кифасини — портретини яратишга ҳам катта эътибор берганлар. XIV асрда яратилган «Угедей Каан ва хотини Туркон — Хотун» ва «Хулачухон ва хотини портрети»ни олайлик. Ясси фонда мўгуллар одатича тўшалган тўш акларда персонажлар қатор ўрнашган, улар миниатюранинг бир фазосини эгаллаган ва гўё «идеал» ҳукмдор ва маликанинг олий даражали эканлигидан гувоҳлик беради. Кишилар гавдасининг ҳаракатчанлиги кийимларидаги нозик гулларни очиб турибди. Бу тасвирларда катта ўхшатишга ва психологик ҳолатини беришга унчалик интилиш бўлмаган бўлса ҳам, ранглар орқали очиб беришга ҳаракат қилинган. Леонардо да Винчининг «Жаконда» («Мона Лиза») портретини олайлик. Биз бу асарда аёлнинг сирли бир ҳолатини, майин рангларда очиб берганини кўрамиз. Портретдаги тасвирланувчининг ўхшашлигини амалга оширишга ва ички ҳолатини бадиий образда очиб беришга ҳаракат қилинган. Европалик рассомлардан О.А.Кипренский, Рембранд, Дюрер, Кранах, Ван Гог каби рассомлар яратган портретларда композиция, характер ва ранглар уйғунлигини

кўриш мумкин. Инсон образини, характерини очиб беришда рассомлар ҳар хил услублардан фойдаланганлигини кўрамиз. Ўзбек рассомларидан Ч.Ахмаров, Абдулҳак Абдуллаев, Раҳим .Ахмедов портрет асаларида ранглар уйғунлигини, рангларни ёркинлигини ва ранг — баранглигини кўрамиз. Рангларни инсон характериға ва рухиятиға мослигини сезиш қийин эмас. Портретчи — рассом олдида инсон характерини ва мураккаб руҳий ҳолатини очиб бериш вазифаси туради. Шунинг учун рассом жуда кузатувчан бўлиши керак. Ҳар бир инсонни бошқаларға ўхшамаган томонларини, унинг юзида ўзига хос тузилишларини илғаб олиши ва акс эттирилайётган шахснинг жинси, ёши, касби ва миллати каби жиҳатларига ҳам асосий эътибор қаратилади. В.Серов бирон бир инсоннинг портретини яхшилаб ўрганмасдан, унинг ўзига хос ўтириши ва ҳаракатини топмасдан иш бошламаган. У портретини ишламоқчи бўлган кишини у ёқ — бу ёққа юришини кузатган, узоқ суҳбатлашган. В.Серовнинг бу одатларидан портретини ишлатмоқчи бўлган баъзи кишилар хафа бўлиб, жаҳли чиққан пайтлари ҳам бўлган. Портрет ишлашда инсоннинг индивидуал характерли томонларидан ташқари, унинг касби ва теваарак — муҳит таъсири ҳам катта аҳамиятға эгадир. Кўп рассомлар портрет яратиш устида ишлашади. Аммо баъзилар инсон характерининг бир томонини кўрсатишса, баъзилари замондошларининг умумлаштирилган образини яратадилар. Ҳақиқий портретчи — рассом эса, бир инсон киёфаси орқали бир неча кишининг айрим хусусиятларини акс эттириб, ҳаётни атрофлича ўрганиб, ўз тасаввури билан бойитиб портрет яратади. В.Серов Вера Мамонтова портретида фақат унинг бетакрор юз бичимидан ташқари, бошқа ёш қизларға хос умумий томонларини ҳам кўрсатган. Рассом ёшликнинг гўзаллигини ва шоироналик, лирик эҳтирослилик хусусиятларини ўз тасаввури бўйича кўрсата олган. Шунинг учун ҳам бу портрет ҳар бир томошабин қалбида из қолдиради. Рассом портрет ишлашда инсоннинг характер — хусусиятларини аниқ ва тушунарли қилиб очиб бера оладиган композиция топиши керак: 1. Томошабинни инсоннинг юзига ва бош қисмиға диққатини тортиши керак. Портретда асосий қисм — бу юз ва чехрасидир. Юз орқали инсоннинг ички дунёсини акс эттириш мумкин

бўлади. Чехраси орқали унинг характери ни тўла ва ёрқин акс эттиришни излаш керак. Шунинг учун ҳам юз бичими диққатни тортиши ва қолган иккинчи даражали қисмлари асосий қисмини очиб беришга ёрдам бериши керак. Тасвирланаётган кишининг характери ни очиб беришда унинг кўзи ва лаби катта аҳамиятга эга. Булар унинг ички дунёсини акс эттиришда асосий қалитдир. Кўзни тасвирлашда рус рассомларидан Рокотов, Левицкий, Боровиковский, Брюллов, Репин, Серов каби лар катта муваффақиятга эришганлар. Портретда инсоннинг қўли тасвири ҳам катта аҳамиятга эгадир. қўл орқали унинг касбини, соғлигини, характер хусусиятларини англаб олиш мумкин. Рассомлик касбига хос қўл характери Брюлловнинг «Автопортретида» ажойиб ишланган.

2. Бош ҳаракати, бурилиши ёки эгилиши, юз мимикаси, гавданинг ҳолати одам характери ни очиб бериши керак. Одам ўзига хос табиий ҳолатида, ҳаракатда тасвирланиши керак. Булар ҳаммаси композиция тузилишининг асоси ҳисобланади. Портретчи — рассом учун одамнинг характерли ҳолатини, кайфиятини, унга хос томонларини таъкидлаш муҳим вазифадир. Гавда ҳолати, имо — ишора ва қўл ҳаракати ҳам инсон характери ни очиб беришда муҳим рол ўйнайди. В.Серовнинг «Ермолова портретида» гавда ҳолати бунга ёрқин мисолдир. Портрет ишлашда либос танлаш ҳам катта эътиборга эга. Кишининг касби, мавқеини либос орқали кўрсатиш янада тасаввурни бойитади.

3. Портретни ифодали акс эттиришда уни ўраб турган муҳит, яъни фон ҳам муҳимдир. Юқорида айтган Ермолова портретидаги фонда театр фойесининг девори ва кўзгуси акс эттирилган. Бу билан тасвирланаётган одамни театрга алоқадорлигини биламиз. Фондан фойдаланишда имкон даражада кам деталлардан фойдаланиш лозим. Фон томошабин диққатини бўлмаслиги ва чалкаштирмаслиги керак.

4. Портретнинг ўлчами ва ҳажми, формат ҳам тасвирланувчининг бадиий характеристикасига мос келтирилиши керак. Портрет ҳажми тасвирланувчининг гавда ҳолатига боғлиқ. Портрет ҳажми (формата) кўп ҳо.хларда тикка тўғри бурчаклидир, айрим пайтларда квадрат ёки горизонтал бўлиши мумкин. Портретда тасвирланувчини ҳақиқий ўлчамидан катта қилиб тасвирлаш яхши эмас. Ҳар қандай тасвирий картина

маълум масофадан туриб қаралади. Агар портрет тўғри ўлчамда тасвирланган бўлса, табиийки картина масофадан қаралганда портрет ўз ҳақиқий ўлчамида кўринади. Шунинг учун ҳақиқий ўлчамда ёки кичикроқ ўлчамда бўлиши маъқулдир. Портрет санъатида тасвирланувчига ўхшашлик бўлмаса портрет рўёбга чикмаган деб ҳисобланади. Портрет — аввало бу ҳужжатдир. Портретдаги ҳужжатлилик фотографиядаги тасодифий ҳужжатлиликдан катта фарқ қилади. Портрет санъатида эса одам характер хусусиятлари акс эттирилади. Бу инсон феъл — атворини, юз бичимини умумлаштириш натижасида ҳосил бўлади. Формалистик оқимдаги нафис тасвирий санъатчилар портретда реал шахс эмас, балки одам ҳақидаги рассом шахсий тасаввури муҳим деб ҳисоблайдилар. Бунинг билан санъатда инсон ички дунёси пала — партиш тасвирини оқлашга уринадилар. Улар портретида ёрқин, декоратив совуқ ранглар кўзга ташланади. Кўз тасвирида қалб кўзгуси акси эмас, балки бошнинг элементи каби тасвирлайдилар. Портретда инсон руҳияти, ҳиссиёти ва фикри акс эттирилмайди. Портретнинг асосий талабларидан бири, тасвирланаётган шахснинг ўхшашлигидир. Инсон чехраси яъни ташки кўриниши аниқ тасвирга эга бўлиши керак. Аммо яхши портрет учун ташки ўхшашлик камлик қилиши мумкин. Ҳақиқий портрет инсоннинг ички руҳий ҳолатини, дунёсини ҳам очиб бериши керак. Маҳоратли портретчи — рассом кўзи инсон чехрасидаги лаб ҳолатини, кўз нигоҳи ҳолатини, ҳаракатини, юриш ҳаракатини, ўтириш, кийиниш ва умуман ҳар бир шахсга хос бўлган томонларини зийраклик билан илғаб, уни усталик билан тасвирлай олади. Портрет ўзида ҳар қил маънога эга бўлган томонларни қамраб олиши мумкин. Рассом инсон чехрасини унинг яхш и томонларини ва ўзи яхши кўрган хусусиятларини очиб бериб тасвирлаш и мумкин. Портретда инсоннинг руҳий ҳолатидан ташқари уни қайси табақага ҳослиги ҳам кўрсатади, яъни бадавлатлиги, камбағаллиги, унинг касби — қори, жамиятда тутган ўрни ҳам рассом назаридан қочмаслиги муҳимдир. Тасвирланаётган шахснинг индивидуаллиги композиция тизимида, портрет ўлчами ва текисликнинг форматига таъсир қилади. Портрет кўкраккача, белигача, тиззагача, бир

қиёфали, кўп қиёфали ва автопортрет кўринишида бўлиши мумкин. Инсон характери ўтиришида, ҳаракатида ва бош ҳолати, шунингдек кўл ҳаракатлари орқали кўрсатилиш и мумкин. Портрет ишлаётган рассом ҳар доим тасвирланаётган шахснинг ўзига хос томонларига эътибор бериши керак. Инсон чехраси ва ҳаракати индивидуал бўлиб, ҳар бир шахсга хосдир. Портретда аниқ бир шахснинг чехраси орқали унга хос бўлган характер, шу давр, унинг руҳий кечинмалари, изланишлари, инсон орзуси ва бошқалар билан рассомнинг фикри, унинг шу инсонга бўлган муносабати ҳам акс эттирилади.

2.1. Ўзбек портретчи рассомлари ижоди.

Портрет жанри. Инсон қиёфасини ички психологик олами билан боғланган ҳолда аниқ бир образда яратилиши портрет санъати деб юртилади. Портрет инсоннинг тўла гавдаси, ярми ёки юз қиёфасининг факат ўзи ҳам бўлиши мумкин. Портрет яратиш ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, инсоннинг анатомик тузилишидан тортиб ички руҳий, маънавий шунингдек ташқи кўринишдаги барча жihatларини акс эттириш билан санъат даражасидаги асар бўлиши мумкин. Дарҳақиқат ҳар бир инсоннинг ички дунёси гўзаллиги, оллох ато этган андозаси мавжуд. Портретчи рассом одамларга хос турли ҳаракатларни хис қила билмоғи айниқса одамнинг қиёфасидаги самимийлик ёки сохта жihatларни тасвирлай билиш қобилиятларига эга бўлишлари керак.

Тасвирий санъатнинг портрет жанри инсоннинг маънавий қиёфасини ўзида ифодалаши билан санъатнинг бошқа соҳаларидан бир мунча фарқ қилади. Портрет санъатини яратишда бебаҳо ижод киритган буюк рассомлардан Камоллидин Беҳзод, Леонардо да Винчи, Ренбранд шунингдек ўзбек рассомларидан Абдулҳак Абдуллаев, Раҳим Аҳмедов, Чингиз Аҳмаров ва бошқа бир қанча рассомларни мисол келтириш мумкин.

Рассом Р.Худойбердиевни портретлари ҳам кишини бефарқ қолдирмайди. (“Хажар хола” 1999). Аввалги усталар услубини қўллаган ҳолда мусаввир ҳеч

кандай ёрдамчи воситаларсиз, тўқ фонда портретлар яратдики, улар кахрамон кифёсини янада мукамалроқ чиқишида етакчилик қилади. Унинг ажойиб асарларидан бири “бастакор Р.Абдуллаев портрети”дир.

Портрет жанрида Б.Жалолов реалистик чизмалар яратишда мислсиз даражага эришадик, бу борада “Саудия Арабистони қироли Аравай Фахд ибн Абдул Азиз” (1992), “Академик С.Азимов портрети”(1998) ва бошқа полотноларни мусаввирнинг ўзбек рангтасвирчилари орасида дунё талаблари даражасида яратган асарлари сирасига қўйиш мумкин.

С.Рахметовнинг кейинги йилларда яратган энг яхши портретлари қаторида “Юнус Ражабий портрети” (1993), “ТФРнинг Ўзбекистондаги элчиси Г.Кун портрети” (1999) алоҳида аҳамият касб этади.

Аёл рассомлар А.Маматованинг “Юлдуз Усмонова портрети”, Ш.Абдуллаеванинг “Ўзбек мадоннаси”, М.Шуваеванинг “Лола портрети”, З.Шарипованинг “Автопортрет”лари ҳам шу даврларда яратилган.

Портретчи рассомлар қаторида ўз матоларида замондошларимиз образларини муҳрлаган Й.Турсунназаров, Б.Саломов, И.Баҳромов, Ч.Бекмиров, М.Нуриддинов, О.Бакиров, Б.Назаров ва бошқаларни ҳам санаб ўтиш мумкин.

Водий ва тоғларнинг лирик манзаралари, (Р.Аҳмедов, Н.Қўзиев, М.Саидов, Ю.Стрельников) ва қишлоқ, шаҳарларидаги янги ҳаётнинг аломат ва хусусиятларини намоён этувчи (В.Зиёев, В.Енин, Ю.Талдикин, А.Жибоев, М.Тошмуродов) жанрли манзаралар яратилди.

2.2. “ДУГОНАМ ПОРТРЕТИ ” рангтасвир асарининг яратилиш тарихи.

Малакавий битирув ишим мавзуси “Дугонам портрети” деб номланган. Бу асаримда такрорланмас гўзалликка эга ,нозик хилқат вакили акс эттирилган. Асар композицияси, муҳит ва макон, ранг ва бўёқлардан моҳирона

фойдаланиш, асарда акс эттирилган гоё ва мазмуннинг ижтимоий юкини кучайтирган. Рангтасвирдаги иссиқ колорит ва ундаги ифодалар орқали натурани гўё гўзаллик тимсоли каби тасвирлаганман.

Замонавий фикрлаш, замон дарди, яшаш тарзини ифодалаш ижтимоий-сиёсий ходисаларга ўзининг инсонпарварлик муносабатини билдириш, рассомнинг ўзига хос услубидир. Аёл гўзаллиги мени ҳамон ҳайратга солади, унинг ҳаяжон уйғотувчи илиқ ранглари ҳаёлимда айланаверади. Ижодим мазмунини ўлкамизга хос ранглар билан уйғунлашган, ички иссиқлик ташкил қилади. Портрет жанрида яратилган асаримда асосан ижод устидаги дугонам ва устахона мухити ва ундаги ҳислар акс этган. Композициядаги нур ва соя ўйинлари мутаносиблиги, ҳаводаги бўшлиқ, фалсафий жихатдан олиб қараганда ҳаёт варақларини варақлагандай – гоҳ гамгинлик, гоҳ бегуборликни кўришимиз мумкин. Малакавий диплом ишимдаги ишланган ушбу картина билан, ҳар бир инсоннинг қалбида аёлга аталган икки огиз сўз бўлиши баён қилинган. Бу сўзда туйгуларнинг самимий акси бор. Яратган асарларим онамга, опа-синглимга айтган шиорларимдир.

Устахонам..... менинг илҳом манбаим. Ўзбекистонда тугилган инсонлар бахтли кишилардир. Негаки, ўлкамиз тўрт фаслда турлича безанади. Рангларнинг турфалиги инсонни яна ва яна ижод қилишга чорлайди. Бу гўзаллик қаршисида мен бош эгаман. Шунинг учун ҳам баҳор ва қишда табиат билан суҳбатлашаман, танҳоликда ёлғиз қолишга ҳаракат қиламан. Бу мулоқот завқини ҳеч қаердан олтинларга да сотиб олишнинг иложи йўқ. Бундай гўзаллик латофат ва нафосатини йилида икки маротабагина топиш мумкин. Назаримда, туйгуларни жунбушга келтирадиган ушбу онларда яратилган асарлар чинакам ижод намуналари бўлади. Ушбу асаримни яратиш давомида буюк устозлар ижодини ўзимга пойдевор сифатида асос қилиб олдим.

Ушбу малакавий битирув иши “Дугонам портрети” асари 147x128 ҳажмга эга бўлиб, мато мойбўёқда ишланган. Асар ўқув ижодий устахона мухитида ишланган бўлиб, 3 пландан иборат. Биринчи планда дугонам

Мастура, иккинчи планда устахона анжомлари яни, мольберд ва этюдник, учинчи планда эса, мато яъни драпировка тасвирланган. Хона бурчагида турган Венера боши диққатимизни тортади. Бу гипсли портрет устахона атребутларидан бири бўлиб, жонли ва жонсиз инсонлар тасвири ўртасидаги фаркни ҳам кўрсатиб беради.

Картина яратишдан аввал дугонамни характер жихатидан 4 йил давомида синчиклаб ўргандим. Унинг гоҳ қўвнок, гоҳида ўйчанг тикилиб туриши айнан унинг портретини яратишимга туртки бўлди. Дугонамни устахона мухитида тасвирлаганим унинг талабалик даврим билан боглиқ уй хаёлларим бир умрлик мен билан хамрох бўлишини хохлаганимдадир. Мен уни ўйчанг ҳолатда яъни хаёлот оламида тасвирладим. Картина учун устахонада турли эскизлар чиздим. Устозларим билан маслахатлашиб ушбу композицияни яратдим.

Бадий ижод тажрибаси шаклланиш мобайнида, композициянинг асосий изчил, мукаммал қонун-қоидалари ва воситалари, ҳамда ишлаб чиқишга шароит яратиб беради. Шу жумладан олимлар томонидан ҳар қандай санъат асарини ҳис қилишда зарур бўладиган гўзалликнинг принциплари ишлаб чиқилган. Улар одатда, санъат назариясида, бадий ва композицион ифода воситалари, хусусан нур ва соя, контраст, симметрия, нисбат, пластиклик, ритм, тоналлик, динамика, ҳажмлилиқ, архитектоника, уйғунлиқлар деб юритилади. Композициянинг асосий мазмун хусусиятларидан бири мантикийлик, шакл ва қисмларнинг ўзаро мутаносиблигидир.

2.3. Асар композициясининг тузилиши, ундаги шакл, ритм, ранг ва колорит масалалари

Рассом учун яхши ишланган шаклли, тугал этюд ишлаш ва тасвирнинг яхлитлигини сақлаб қолиш ўта мураккаб вазифа ҳисобланади. Бу вазифани ёш рассом дарҳол бажариши қийин. Одатда ёш рассом ишларида турли маконий ўринларда жойлашган натура қисмлари, ранг ва тус суртмалари бир хилдаги кўринишда тасвирланади. Олд ва орқа пландаги натуралар бир пайтда кўзга

ташланади. Буларнинг барчаси натурани яхлит тарзда кўриш, умумлаштириш, композитция марказини белгилай олиш қобилиятини йўқлигидан келиб чиқади. ана шу камчиликларни такрорламаслик масалаларини ўрганб чиккан ҳолда “Дугонам портрети” асарининг ишланиш жараёнида ҳам шу ҳолатларга катта эътибор берилди. Асар композитцияси симметрик тарзда қурилди. Бу ҳолат тасвирнинг бутунлиги ва яхлитлигини кўриш умумийлигининг натижасигина бўлиб қолмасдан, балки мақсадга мувофиқ равишда энг муҳим композитция марказини белгилай олиш имконини беради. Чунки бу асарнинг композитцион бутунлиги бош ва иккинчи даражали қисмларнинг ўзаро алоқасига боғлиқ. Шунга кўра энг муҳим қисм одатда асар юзасининг оптик маркази яқинида жойлаштирилди. Уни ажратишда асар қисмларни умумлаштирилди, деталлар композиция марказидан узоклашаётган тус ва ранг муносабатлари бўйсундирилди. Буларни барчаси томошабин нигоҳини асарнинг композитцион марказига йўналтириш имконини беради.

Маълумки ишлаётган асарнинг композитциясини тўғри танлаш ундаги ҳар бир нарсани умумлаштириш натижасида вужудга келади. Рассом бир гуруҳ буюмга нигоҳ ташлаганда бирор бир нарса алоҳида ажралиб кўринади, қолган ашёлар хира тортади бу нигоҳ марказининг ҳосил бўлишидир. Асар композитциясида образнинг марказий қисми энг кучли ёруғлик ва ранг контрастига бўйсундирилди. Унда нигоҳ идрокнинг иккинчи даражали қисмларини кўринишидек хусусиятини ҳисобга олинди. Сюжетли асарларни яхлитлиги учун биринчи ва учинчи қисмдаги тасвирланаётган буюмлар ва объектларни композитция марказига бўйсундириб яратилди. Рўй бераётган ҳолат мантиги, персонажларнинг психологик ўзаро алоқаси тасвирнинг умумий яхлитлигини яратишда қатнашди. Кўриш нуқтаси, симметрия ва оҳанг, тус ва ранг тафовутлари, чизиш усуллари, мато катталиги ва шакли сингари композиция тузилмасининг расмий жиҳатлари шуларга хизмат қилиши кўрсатиб берилди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган асарда воқеалигидаги ходисаларнинг рассом идеалига мос тавсири бадиий асар мазмунини ташкил этади.

Танлаган мавзуйимни ёзиш давомида ҳар бир детални ҳисобга олган ҳолда уни маромига етказиб тугатишга ҳаракат қилдим. Асарнинг юксак даражада мазмун-моҳиятини очиб берувчи ифода воситаларидан фойдалана олдим.

Айниқса, асаримдаги дугонамни қандай бўлса шундайлигича реалистик руҳда акс эттирдим. Устахонадаги нур ва соя ўйинларини тасвирлаб бердим. Шундагина томошабиннинг қалбидаги туйгуларни жунбушга келишига сабаб бўлади деб ўйлайман. Мен ушбу композициямда дугонам портрети тасвирланган устахона муҳитини нозик ранглار билан ифодаладим. Бу эса асаримга алоҳида жонлилик ва қайтарилмас кайфият бахш этишини таъминлади.

Барча ижодкорларга хос тарзда асаримдаги тасвирни реалистик руҳда очиб, психологик томондан ёндашдим. Унгача мен анча кузатишлар олиб бордим. Улардаги такрорланмас характерларни ва уларнинг ўзгаришини кузатдим. Изланишларим, ўрганишларим давомида композициямга эскизлар тайёрлаб бордим, бу эса битирув малакавий ишимнинг асосини ташкил қилади. Мен яратмоқчи бўлган асарга яқин кўплаб ишларнинг техникасини ўргандим, фойдаланган ашё ва материаллари билан танишиб чикдим. “Дугонам портрети” асарининг мазмунини ифодалаш усули орқали асардаги шаклларни қандай ҳал этиш масалалари келиб чикди. Ушбу асарда шаклнинг муҳим элементларидан асар гоёсига уйғун равишда айрим қисмларининг жойланиши, асарнинг умумий тузулиши композитцияни ташкил этади. Асарнинг биринчи қисмидаги шакллар мутаносиблигини айтадиган бўлсак, бу ерда асар мазмуни турли шаклларда ифодаланган. Яъни портрет маълум бир маконда тасвирланди, унга мутаносиб тарзда мольберт тасвирланди. Бундан кўриниб турибдики асар ишлаш жараёнида образ ва ҳар бир буюм бир – бирига мутаносиб тарзда олинмоқда. Агар уларни палапартиш олинганда эди бир – бирини тўлдириб турмаганда эди асар магзини ташкил этувчи гоё марказдан узоқлашиб кетган бўларди. Ҳар

бир тасвирланган нарса услублаштириб олинган ва асарнинг кизикарли бўлишига сабабчи бўлган. Шунингдек тасвирланган ҳар бир киёфанинг аниқ шакли олинган, улардан нур соя ёки обёмлилик ҳолатлари олиб ташланган ва яхлит шаклга эришилган. Шу орқали тасвирланган шакллар ўзига хос услубига алоқадорлиги, шакл ҳам гоё ҳам бир – бирисиз мавжуд бўла олмаслиги, улар ҳар доим ўзаро бир – бири билан боғлиқлиги масалаларига асосий эътибор қаратилган. Бу икки элемент бир бири мос тушгандагина рассом гоёси тўғри тушунилиши ва томошабинга осон тушунарли бўлишини тaminлаган. Масалан, рассом қувноқ бир суърат яратмоқчи бўлди дейлик. Аммо унда маълум бир гоёни ифодалаши лозим бўлган, лекин рассом композицияни ифодасиз, шаклларни тушунарсиз тарзда ҳал қилди. Ундан ташқари, айрим персонажлар расмини шунчалик ноаниқ, палапартиш чиздики, натижада суърат қаҳрамонлари тушунарсиз, хунук бўлиб чикди. Бу ҳолат асардаги бўёқларнинг ёқимли гаммаси ўринсиз бўлиб қолишига ўзаро ранг масалаларига ҳам ёмон таъсир кўрсатиши натижасида номуносибликда асар рассом ўйлаганининг акси бўлиб чикди. Демак, асар шакли қанчалик пишиқ, мукаммал бўлса, бадиий асар одамларга шунчалик кучлироқ таъсир этади. Хулоса қилиб айтганда асардаги шаклларни тўғри танлаш методи нотўғри ҳолатларга эмас, аксинча маҳоратини ўстиришга, санъат асарининг гоёвий ва бадиий даражасини тинмай оширишга ёрдам бериши кабиларни кўрсатиб берган.

Ушбу асарда ритм масалалари ҳам етарлича ҳал қилинди. Унда аёл коматини ва устахона муҳитидаги турли хил атрибутлар, шунингдек ритм масаласини ҳал қилиш учун пропорция ва ҳаракатни аниқлаш, деталларини катта қисмлари билан боғлаш, тасвирда тус, ранг бирлиги (яхлитлиги)ни умумлаштириш ва пластик ечимини топиш ишлари ҳам олиб борилди. Асар мазмунини очиқ бериш учун портрет жанр масаласи ҳам юқори қўйилди. Жумладан, ушбу портрет асарида тасвирланган вертикал ва горизантал чизиқлар, орқа планда деворда осиглиг турган квадрат шакилдаги парда ўзаро линияларни янада мураккаблаштириш учун тасвирланган орқа планда ҳам

катта кичик подрамниклар тасвирланган, аёл образи, буларнинг барчаси бир бирига карама қаршилиқни ифодаловчи яъни асар компоновкасини очиб берувчи ритмлардир. Умумий қилиб айтганда ушбу асарни динамикаси, ритм масаласи тарафдан бой мукаммалишлашга ҳаракат қилинди.

“Дугонам портрети” асарида ранг ва колорит масалалари ҳам етарлича ҳал қилинди. Бунга сабаб агар талаба натурада ранг ва ранг – тус муносабатларини кўра олса, хали у яхши асар ярата олади деган гап эмас. У маҳорат билан айрим ашёларнинг ёруғ тусидан нусха олиши, уларнинг ҳажмини ҳам бериши мумкин, аммо маконнинг моддийлиги ёритилиш ҳолатини бера олмайди. Ишлаш жараёнида бу ҳолатларга катта эътибор қаратилди. Биринчи хусусият шундаки ушбу асарни яратишда унинг ҳажмий, маконий ва моддий сифатлари табиатнинг рангин муносабатларини нигоҳий образларга мутаносиб ўтказиб, ранглар ўйинидан иборат бўлишига катта эътибор қаратилди. Матога берилаётган ранг муносабатларини моҳияти нигоҳ билан қабул қилинаётган муносабатлардан келиб чиқди. Лекин асарнинг муносабатларини тузилиши ёритилганликнинг умумий тус ва ранг ҳолатини ҳисобга олиб амалга оширилди.

Иккинчи хусияти шундаки, асардаги барча деталлар, ашёлар ранг муносабатларини яхлит идрок этишни уйғунлаштириш билан белгиланади. Бирон бир нарсанинг ранг муносабатларини яхлит кўрмасдан туриб, унинг тасвири тўла равишда бўлмайди. Айнан шу икки хусусиятларга эришиш натижасида тасвирнинг тўлақонли, таъсирчан ранглар муносабатларини яратишга ҳаракат қилади.

Асарни ишлаш жараёнида ҳам рангларни танлаб олишда шахсий кузатувлар ва фикрлар таҳлил қилиниб унда охирги якуний қарорга келинди. Шунга кўра аваллари мавжуд бўлган нур ва соя ўйинидан воз кечилди. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор. Чунки тасвирланаётган ҳар бир қиёфада нур ва соя ўйини бор. Лекин ана шу нур ва соя ҳеч қачон буюмнинг асл ҳолатидаги

рангини ифодаламайди. Ҳақиқий рангни фақат яримсояда кўришимиз мумкин бўлади. Шу сабабли асарни тасвирлаш жараёнида нур ва соя яъни қиёфа тушаётган нур ёки соялар билан тасвирланди. Бундай тасвирлаш ранглар билан эркин ишлай олиш имкониятларни берди. Бундай тасвирий ечимда рангларнинг ўзаро алоқаси, уларда жонли нигоҳ тасаввуридан йироқ бўлган тасвир ҳосил бўлади. Асардаги барча бўёқлар бир – бирига нисбатан олинди. Асардаги ранглар атроф муҳит билан солиштириш асосида топилди ва улар пропорционал муносабатларда тасвирланди.

Рассом ҳаётда атроф муҳитни кузатар экан борликни ранг орқали тасаввур қилади, кўради. Қандайдир буюм, шаклларнинг ранги доимий хотирада сақланиб қолади. Яъни кўкатлар яшил, осмон кўк ранг, қор оқ олов қизил, каби ранглар. Буюмлар ранги шароитга, ёруғлик кучига, ёритилиш рангига ҳам боғлиқдир. Буюм ўзи турган муҳитда атрофга ўз таъсирини ўтказиб туриши ёки унинг атрофидаги рангли буюм унга ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Ҳар доим буюмлар бир бирига таъсир қилиши мумкин. “Дугонам портрети” асарида ҳам рангларнинг бир бирига мутаносиблигини, шу билан бирга ҳар бир кўринишдаги вазиятда контраст ранглар пайдо бўлганлигини кўрамиз. Асарда контраст ранглар ёнма ён жойлашган ранг кучини янада оширган. Булар қизил, яшил, сариқ кўк ранг ва бошқалардир. Буюм ранги кузатувчидан узоқ яқинлигига ҳам боғлиқ (хавоий перспектива). Оқ ранг узоқлашса хиралашади (қораяди) қора, кўк ранг оқариб (кулранг тус) кўриниши мумкин. Шу сабабли асар яратилиш жараёнида шу каби масалаларга жиддий эътибор берилди. Жумладан, асарда иккита қиёфа инсон образи жонли ва жонсиз кўринишдаги аёл қиёфаларини ранглар орқали таккослаймиз. Бу ўзгариш ҳам шартлидир. Ҳамма ҳам бу ўзгаришларни сезмайдилар. Аксинча буюмнинг бўёқ рангини кўрадилар. Шу сабабли ранг масалалари тушунарли бўлиши, асарнинг осон ва безакдор бўлиши учун буюм ва ҳар бир нарсанинг яримсоядаги ҳақиқий ранги олинади. Бу ҳолат асарнинг рангларининг ҳаққоний тасвирлаш имконини беради. Малакали рассом табиатдаги ранглар ёруғлик

нурида ўзгаришини яхши сезиши мумкин. Баъзи картиналарга карасак ой ёругида акс эттирилган манзарадиги ранглар оч яшил кўклигини, кечки қуёш нурида ва сунъй ёругликдаги манзаралар эса сарик заргалдоқ ёки қизгиш колоритдалигини кўрамиз. Булар хаммаси рассом томонидан табиатда ранглар ўзгаришини объектив акс эттиришидир. Рангтасвирда ранг колоритини яратиш ҳам катта аҳамиятга эга. Буюм шакли хажмини, материални, фазода жойланишини, юзасини ёруглик ва соя орқали, унинг бир биридан фарқланувчи туси ва уларнинг ранги, рангларининг бир биридан фарқ қилиниши туфайли идрок қиламиз.

Рангтасвирда буюмни рангда шакл беришда, унинг табиат мухитдаги ранглар муносабатида акс эттириш катта аҳамиятга эга. Томошабин идрок қилиши, умуман рангларнинг бир бирига муносабатига таянади.

Умумий қилиб айтганда ушбу асарни ишлаш жараёнида ёруглик кучи кўрсатиб ўтилди. Шу билан бирга рангни туйгинлик нисбати, ранг кучи нисбати, ранг туси ва тури тўғрилиги қабилар таъминлайди.

ХУЛОСА

“Дугонам портрети” асарини яратишдан мақсад дунёда аёлданда чиройлироқ зот йўқ, аёлларнинг қувончи эса дунё учун катта бахтдир.

Ҳозирги Мустақиллик замони, дориломонлик бизга ато этган ижод эркинлиги, кенг ва самарали фаолият майдонида барчага ибрат бўларли бадиий тасвирий ижод намуналарини яратиб келаётган, устозлар мактабини давом эттираётган истеъдодли, таниқли рассомлар Ғ.Абдурахмонов, И.Баҳромов, З.Фахриддинов, С.Раҳметов, А.Икромжонов, А.Алиқулов, А.Жамолов, М.Тошмуродов ва бошқа ўнлаб ижодкорларнинг рангтасвир асарлари ҳам ноёб – ўзига хослиги билан ажралиб туради. Уларнинг ишини замонавий реалистик тасвирий санъат намуналари деб айта оламиз. Чунки уларнинг аксарият асарлари ҳам миллий, ҳам умумбашарий тамойиллар асосида яратилган. Акмал Нур, Ж.Усмонов, Ф.Аҳмадалиев, Ж.Раҳмонов каби мўйқалам усталарини замонавий, авангард санъати вакиллари сифатида қадрласак арзийди. Уларнинг чуқур мазмунли, ажойиб шакл – ранглар талқинидаги сержило асарлари ҳам реалистик тамойиллар нуридан яраклаб, ўзини намоён этиб туради. Шу билан бирга ҳар бир асарнинг ўз оригинал ечими, рамз-тимсолларга, аллегорияларга асосланган фикрий қиммати, жозибадорлиги, маҳорат даражасининг юқорилиги бор. Рангтасвирдаги реалистик йўналиш замонавий бадиий жараёнда ўз моҳиятини саклаб турибди. Бу услубда йирик рангтасвир усталари билан бир қаторда ёш истеъдодли рассомлар ҳам тарихий ва портрет, манзара ва натюрморт каби жанрларда муваффақиятли ижод қилиб келмоқда. Мустақиллик шарофати билан рангтасвирлардаги барча бадиий услублар янги хусусиятларга эга бўлди ва бойиди.

ГЛОССАРИЙ

КОМПОЗИЦИЯ (латин. «compositio» — тузилиш, қурилиш) — бадиий асардаги образлар ва бадиий воситаларнинг муайян гоёвий мақсадга хизмат қиладиган тартибда жойлашиши ва уларнинг мувофиқлиги.

МАНЬЕРИЗМ (итал.) - табиатдан узоклашиш, унинг қонун-қоидаларига риоя қилмаган ҳолда асарлар яратиш. Уйғониш асрининг юксак идеалларига зид, реакция оқим.

НУР, СОЯ - тасвирий санъатнинг асосий ифода воситаси.

ЭСКИЗ (франц. *esquisse*) - бадиий асар ёки унинг бирор бўлаги (қисми) гоёсини акс эттирувчи дастлабки *қоралама, хомаки* асар. Унда бўлажак асарнинг композицион ечими, тасвирланадиган кўринишдаги қаҳрамонлар (буюмлар ва х.к.) нинг фазовий кенгликда жойлашуви, уларнинг ўзаро нисбатлари, умумий ранг тизими хусусиятлари ва бошқалар белгилаб олинади.

Эскизлар графика, рангтасвир ва ҳайкалтарошликда уларнинг воситалари орқали бажарилади. Масалан, графикада график, рангтасвирда ранглар жилвасида ва ҳайкалтарошликда унда ишлатиладиган махсус лой ёки пластелинда ишлаб олинади, шундан сўнг керак бўлган материалга (тош, бронза, ёғоч ва х.к.) кўчирилади. Эскизлар эркин, тез, қоралама тарзида бажарилади, айрим ҳолларда бўлажак асарнинг майда унсурлари (деталлари) ҳам кўрсатилиши мумкин. Кўп ҳолларда эскизлар мустақил асар даражасига кўтарилиши ва бадиий қийматга эга бўлиши мумкин.

ПЕЙЗАЖ (франц. макон, жой, мамлакат, манзил) — пейзаж иборасида 1950-70-йилларда ўзбек санъатшунослигида рассомлик (рангтасвир ва графика) ва ҳайкалтарошлик (унинг рельеф тури)да акс эттирилган табиат манзараси, шунингдек, манзара жанри назарда тутилган. Рассом тасвирланаётган воқеаларнинг моҳиятини чуқурроқ очиш, қаҳрамони характерини тўлақонли бўлишига эришишга ҳаракат қилиб табиат манзараларини ўз асарига киритган, шунингдек, табиат кўринишини

тасвишлаш оркали ўзининг табиатга бўлган муносабати, ундан олаётган таъсир ва ҳаяжонини, ўй ҳаёлларини ифодалашга интилган. Бугунги кунда бу ибора деярли ишлатилмайди, унинг ўрнида манзара, манзара жанри иборалари ишлатилади.

ЭТЮД (франц. *etude*- ўрганиш, машқ) –борликни (натурани) ўрганиш мақсадида ўзига қараб ишланган асар, машқ. Графика, рангтасвир ёки ҳайкалтарошликда уларнинг асосини ўрганиш мақсадида борликнинг ўзига қараб ишланадиган, машқ қилинадиган асар *этюд* ҳисобланади. Ижодкор бадиий асар яратиш жараёнида этюддан ёрдамчи материал сифатида фойдаланади ва яратиладиган асарнинг образлари, улардаги майда бўлак ва бошқа унсурларни аниқ ва ўзига ўхшаган бўлишига интилиш жараёнида пайдо бўлган қийинчиликларни ечиш, айрим қисм ёки бўлакларини аниқроқ кўрсатиш мақсадида борлик (натура) унинг ўзидан ўрганиб расм чизиб олади сўнгра асарига кўчиради.

Шунинг учун ҳам ижодкорнинг тугал асари этюдлар мажмуаси сифатида ўзини намоён қилади. Реалистик тасвирий санъат асарларини яратиш этюддан картинага ўтиш жараёнида амалга оширилиб келинган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Тошкент ш., 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон Фармони.
2. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ /Ш.М. Мирзиёев. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2016. -56 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017.-104 б.
4. И.А.Каримов. Маънавий юксалиш йўлида ИТ.Ўз.нашр.1998.
5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 206 б.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент:..Маънавият, 2008. – 120 б.
7. Абдирасилов С, Толипов Н, Орипова Н, Рангасвир. - ТЎзбекистон.2006
8. Рахметов С, Дастгоҳли рангасвирда композиция асослари.-Т.:Шарқ.2007.
9. Ўзбекистон тасвирий санъат тарихидан лавҳалар. Н.Ойдинов. Т.1997.
10. Абдуллаев Н, Санъат тарихи 1 том.-Т.,Ўқитувчи.1986 й.
11. Иогасон Б. В., Молодым художникам о живописи. М-.:Академия художеств,1959.-248с.
12. А.Т. Икромжонов. Рангасвирда этюд. Тошкент 2003

13. Т.Кўзиев, А.Эгамов,Т.Қаноатов, А.Нурқобилов, Рангтасвир.-“Санъат”-Т.,2003.
14. Ўзбекистон тасвирий санъатидан лавҳалар.Ойдинов. Н., Т.:1997.
15. Такташ Р.Х., Изобразительное искусство Узбекистана, Т., 1972; Искусство Советского Узбекистана, М., 1976.

ИЛОВЛАР













































